

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1 / 1 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

Редактор:  
*A. Тилегенов*

Редколлегия ағзалары:  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нагмет АЙЫМБЕТОВ  
Кенесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ  
Өсөрбай ЭЛЕУОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кенесбай Даулетяров  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАЙПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириүшилер:  
Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендіриү  
Министрлігі, ӨЗПИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм  
хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-саналы гүйалық  
берилген.  
Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: uznipnkf@mail.uz,  
mugallim-pednauk@mail.uz  
[www.mugallim-uziksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uziksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларға жеүап қайтарылмайды, журналда жетрояланған мақалалардан  
алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзлиksiz bilimlenediриү» журналынан алыны, деп корсетилиғи  
шарт. Журнала 5-бет колеміндеғи материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шириф-  
тіндеге электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәглүмәттердеге автор  
жекуапкер.

# МАЗМУНЫ

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӨРБИЯ

<b>Mardonov Sh.Q., Abdullayev A.A.</b> Maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab hamkorligi .....	4
<b>Mahmudova D.B.</b> Maktabgacha ta'limda qo'llaniladigan o'yinlar va ularni tashkil etish metodikasi .....	8
<b>Shanasirova Z.Yu.</b> Xalq og'zaki ijodi namunalari vositasida maktabgacha yoshdagি bolalarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash hamda nutqini rivojlantirish .....	13
<b>Abdullayeva M.Dj.</b> Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning estetik rivojlanishidagi o'ziga xos xususiyatlар .....	17
<b>Narimbayeva L.K.</b> Maktabgacha yoshdagи bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda xalq og'zaki ijodi namunalaridan foydalanishning ahamiyati .....	20
<b>Nosirova R.X.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida musiqa ta'limi va tarbiyasining mohiyati .....	22
<b>Kolmatova S.K.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya berishda Sharq mutafakkirlari fikrlaridan foydalanish ahamiyati .....	26
<b>Maripova N.H.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya .....	28
<b>Sanakulova A.R.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida rahbarlarida huquqiy tarbiyanı rivojlantirish .....	31
<b>Teshabayeva Z.S.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida ekologik tarbiya maqsadi .....	34
<b>Nasirova Z.X.</b> O'yin turlari: ijodiy o'yinlar, qoidalı o'yinlar, milliy o'yinlarning o'ziga xos xususiyatlari .....	38
<b>Shanasirova Z.Yu.</b> Maktabgacha yoshdagи bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashning ahamiyati .....	43
<b>Jo'raboyev A.B.</b> Maktabgacha ta'lim tizimida ma'naviy qadriyatlarini singdirish amaliyoti .....	48
<b>Abdullayev A.A.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida rahbarlik qilish va tashkil etishning zamonaviy usullari .....	51
<b>Achilova M.S.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida estetik tarbiyaning mazmuni .....	55
<b>Ochilov F.I., Xusanova N.B.</b> Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida kasbiy pedagogik kompetentsiyalarni shakllantirish talablari .....	58
<b>Narimbetova Z.A., Asqarova N.J.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida didaktik o'yinlarning ahamiyati .....	62
<b>G'ulomova X.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida maqollar estetikasi .....	67
<b>Умарова З.А.</b> Бошлангич таълимда педагогик жараён .....	70
<b>Жабборова О.М., Сайдғаниева З.С.</b> Бошлангич таълим педагогикаси: мазмун ва моҳият .....	74
<b>Quzmanova G.B., Ergasheva M.E.</b> Umumiy o'rta ta'lim maktabalarida ota-onalar yig'ilishini samarali tashkil etish .....	78
<b>Мамадалиев К.Р.</b> Бошлангич таълим йўналиши ўкув фанлари тузилмаси ва замонавий ўкув адабиётларини яратиш принциплари .....	80
<b>Тожибоева Г.Р., Крымская Э.</b> Проблемы развития творческих способностей в процессе становления будущего учителя начальных классов .....	86

## ТИЛ ХЭМ ӘДЕБИЯТ

<b>Матчонов С., Холиқулова Ф.</b> Ўқувчиларнинг нуткий кўнижмаларини шакллантириша матннинг лингводидактик таҳлили .....	91
<b>Шерматова У.С., Жабборова О. М.</b> Самостоятельное чтение и интерпретация правды жизни .....	95

*“Bola-loy, ona-kulol”**(O'zbek xalq maqoli)*

Bejizga biz bolani “loy”га onani esa “kulol”га o'xshatmadik. Sababi shundaki, har bir bola uyidagi muhitdan kelib chiqib shakillanadi, ya'ni ota-onasini muomilasidan, ma'daniyatidan, xulqidan kelib chiqib, o'z xarakteriga ega boladi. Shumday ekan, har bir o'quvchi tarbiyani oilasidan oladi, maktabda, ya'ni o'qituvchilar esa uni sayqallashtiribgina qolmay, bilim ham berishadi. Har qaysi pedagog ham, ota-onalar ham o'tkazilayotgan yig'ilishlarda faol ishtirok etishlari zarur masaladir [1, B. 76]. Shunday ekan, hurmatli ota-onalar yig'ilishlarda faol ishtirok eting va albatta, o'qituvchi bilan uzviy aloqada bo'lishni kanda qilmang!

Adabiyotlar:

1. Norqul Bekmirzayev. “Notiq, Nutq, Xulq”. Toshkent. 2019-yil.
2. S.Rasulov. “Maktab oiladan boshlanadi”. Toshkent. 2016-yil.
3. R.Mavlonova, O.To'rayeva, K.Xoliqberdiyev. Pedagogika. Toshkent. 2010.

## РЕЗЮМЕ

Maqolada asosan sinf rahbarining faoliyati natijasida, sinf yig'ilishlari jarayonida ota-onalarini jalb qilish, hamda ularni maktab ta'limi jarayonida farzandlari bilan uzviy aloqada bo'ishini ta'minlashdan iboratiligi haqida so'zboradi. Bu jarayon nafaqat o'qituvchi, balki ota-onalar zimmasiiga ham katta ma'sulyat yuklaydi. Bundan tashqari o'qituvchining tarbiyaviy ishlari jarayonida birgalikda olib borilgan hamkorlik samarali natijaga ega bo'linadi.

## РЕЗЮМЕ

Статья посвящена роли классного руководителя в привлечении родителей во время классных встреч, а также в обеспечении их тесного контакта со своими детьми в процессе школьного образования. Этот процесс возлагает большую ответственность не только на учителя, но и на родителей. Кроме того, плодотворным будет совместная работа учителя в учебном процессе.

## SUMMARY

This article focuses on the role of the homeroom teacher in engaging parents during class meetings, and in ensuring their close contact with their children during schooling. This process places great responsibility not only on the teacher, but also on the parents. In addition, the teacher's joint work in the educational process will be fruitful.

---

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТУЗИЛМАСИ  
ВА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ПРИНЦИПЛАРИ**


---

**Мамадалиев К.Р.***Toishkent viloyati ЧДПИ “Бошлангич таълим” кафедраси ўқитувчisi*

**Таянч сўзлар:** дарслик, узлуксиз таълим тизими, ўқув фан дастури, бошлангич таълим йўналиши, дидактик талаблар, малака талаблари, глоссарий, атамалар лугати.

**Ключевые слова:** издание, система непрерывного образования, докторантура, направление начального образования, дидактические требования, квалификационные требования, глоссарий, глоссарий терминов.

**Key words:** publication, continuing education system, doctoral studies, primary education, didactic requirements, qualification requirements, glossary, glossary of terms.

Ўтган киска икки йил ичида мамлакат таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, олий таълим муассасаса (ОТМ)ларида ракобатбардош карлар тайёрлаш масаласида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди

ва бу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўнлаб фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу хўжжатлар том маънода таълим-тарбия тизимида туб ўзгариш ва янгиланишларни бошлаб берди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди, ўкув дастурларини такомиллаштириш, ОТМларининг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг мустакиллигини босқичма-босқич ривожлантириш вазифа қилиб қўйилди.


Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўкув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон Қарорига мувофиқ, узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўкув-методик адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга етук олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб этиши вазифаси қўйилган. Дарҳақиқат, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини таъминлашда ёш авлоднинг миллий гояларни англайдиган баркамол шахс сифатида шаклланиши кўп жиҳатдан дарслерлар ва ўкув кўлланмаларининг савиисига боғлик.

Демак, олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва хаётий муаммоларни мустакил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўкув-методик мажмуулар билан таъминлаш мухим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, ОТМларини замонавий ўкув адабиётлари билан таъминлаш, талабани комил инсон қилиб этишишига қаратилган ўкув адабиётларини яратиш куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди [1].

Замонавий ўкув адабиётларини яратиш принципи ва талаблари ҳамда методикасини такомиллаштириш учун, энг аввало янги авлод ўкув адабиётининг тузилмасини бериш максаддага мувофиқ деб ҳисобладик.

Бошлангич таълим йўналиши Малака талаблари ва ўкув фанлари дастурларига мос бўлган давр талабларига жавоб берадиган замонавий дарслерлар, ўкув ва ўкув-методик кўлланмаларининг янги авлодини яратиш меҳанизмларини таълим тизимини такомиллаштириш тадқиқот олдидаги асосий масалалардан ҳисобланнилди [2].

Шундан келиб чиқиб, ўкув адабиётлари – муайян таълим тури таълим йўналиши (мутахассислиги) ўкув режасида қайд этилган



Расм. Бошлангич таълим педагогикаси мазмуни

фанлар бўйича тегишли ўкув фан дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш методлари ва дидактикаси ёритилган, шу жумладан, илгор республика ва хорижий таржибалари ҳамда инновацион педагогик технологияси асосида ўкув материаллари лойиҳалаштирилган манба.

“Ўзлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси” га мувофиқ “дарслик – ДТС, фаннинг ўкув дастури, методикаси ва дидактик талаблари асосида белгиланган, муайян ўкув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларининг мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр” деб таърифланган [3] бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил

10 октябрдаги ОТМларни ўкув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарори билан тасдиқланган Олий ва ўрга маҳсус, касб-хунар таълимни тизими учун ўкув адабиётларни яратишга кўйиладиган талабларда “Дарслик — муайян ўкув фанининг мавзулари тизимли, чукур ва тўлиқ ёритилган, тегишли фан мазмунини белгиланган ҳамда мукаммал ўзлаштиришга қаратилган, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрга маҳсус, касб-хунар таълимни, олий таълим (бакалавриат, магистратура)) мослаштирилган, ўкувчи ва талабаларда фанга тааллукли билим, кўнишка ва малакаларнинг шаклланishiшига, ижодий қобилиятлар ривожланishiшига хизмат қиласидиган, расмий тасдиқланадиган асосий ўкув нашри” деб таърифланган.

Биз, юқоридаги “дарсликга” берилган таърифини такомиллаштиридик ва дарслик – таълим соҳаси ДТС, таълим йўналиши малака талаблари, фан дастури, методикаси ва дидактик талаблар асосида, инновацион ПТ принципларига сунгтан ҳолда, ўкув материаллари лойиҳалаштирилган, миллий ғоя ва маънавий қадриятларимиз сингдирилган, муайян ўкув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳолда, фанга тегишли билимларни талабалар томонидан мустакил ўзлаштириб олишга, уларда кўнишка ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўкув материалини мустакил излаш ва топишга, амалда фаолиятда кўллашини ўргатиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган нашр [4].

Хар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини камраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хар бир фан бўйича ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалда-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

Оптималлашган фан дастурлари асосида ўкув адабиётларининг янги авлодини яратища ижтимоий-иктисодий соҳалардаги ислоҳотлар, илм-фан ва технологиялар ютукларини намоён этишига эришишини тақозо этади. Чунки таълим жараёнини самарали ташкил этиш, талабаларда амалда кўнишка хосил қилиш, билимларини ягона тизим асосида баҳолаш механизмини жорий этиши тайёрланган кадрларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топа олишига хизмат киласиди [5].

ОТМларида ўқитиладиган ўкув фанлари бўйича яратилаётган ўкув адабиётлари мажмуасида ўкув жараёнини юқори даражада ташкил этишида дарсликнинг ўрни бекиёс. Замонавий дарслик – ДТС, малака талаблари, ўкув фан дастури, методик жихатидан мукаммал бўлган ва дидактик талабларига мувофиқ яратилган, ижтимоий ва иктисодий соҳалардаги янгиликлар жорий этилган, илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгти ютуклари тўлиқ ёритилган, тизимли ёндашув тамоиллари асосида ўкув материаллари лойиҳаланганд, таълим олувчилар томонидан тегишли фан асосларининг мукаммал ўзлаштира олиш имконини берувчи ҳамда турдош

таълим йўналишларида ҳам фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр ҳисобланади.

Бошлангич таълим йўналиши ўкув фанларидан замонавий дарслерни яратишида қуйидаги принциплари асосида зарурй талаблар кўйилади [6]:

1. Дарслер юқори даражада умумлаштирилган материалга ва аниқ, асосий фактик материалларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

2. Дарслернинг матни, асосий қоидаларнинг ифодаланиши, хуносалар юқори даражада аниқлиги ва равшанлиги билан ажralиб туриши керак.

3. Дарслер оддийдан мураккабга ва хусусийдан умумийга босқичма-босқич ўтишга амал қилиши лозим.

4. Илмийлик, қизиқиш түғдира олиш, фикрлашга ундаш алоҳида аҳамият касб этиши лозим.

5. Дарслер ахборот ва энциклопедик маълумотларга бой бўлиши, ўкув материалини қўшимча, ўхшаш адабиётлар билан боғлаши, билимларни мустақил ўзлаштириши имконини яратиши ва ижодга даъват этиши лозим.

6. Дарслердан фойдаланишини енгиллаштириш, лингвистик принципларни ҳамда касбий маҳоратни бойитиши максадида қўлланилган асосий атамалар лугати – гlosсарий (атама қўлланилган бетлар кўрсатилган ҳолда) бўлиши лозим. Бу эса дарслерни янада бойитади.

Шунингдек, замонавий дарслер қуйидаги сифатга эга бўлиши керак [7]:

- таълим олувчиларни фаол бўлишга ва танқидий фикрлашга ундаши;
- факат назарий маълумот бериш билан чекланмаслиги;
- амалда қўникмаларни шакллантирувчи муаммоли саволлар, лойиҳалар, машқлар ва ижодий топшириқлар берилиши;
- таълим олувчи билимини ўз-ўзи баҳолаш ва мустақил таълим олиш учун имконият яратиши;
- ўкув материали аниқ максад ва вазифаларга йўналтирилиши лозим.
- мазмун далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалда қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалда қўникма ва компетенцияни шакллантиришига ўтишин таъминлаши;
- ўкув материали тушунарли, мантикий ва тизимли баён этилиши, муҳим маълумотлар ажратиб кўрсатилиши;
- миллӣ ҳусусиятлар ҳисобга олиниши;
- топшириқлар ва вазифалар кенг кўламли таълим олувчилар бажарадиган амалда ишларни жуфтликда ёки кичик гурухларда ташкил этиш имкониятини бериши;
- ёшларни маълум фазилатларини шакллантиришига йўналтирилган бўлиши;
- харакатдаги жараёнларни ва бошқа жараёнларни кўрсатувчи видео материалларга эга бўлиши.

Замонавий дарслерга муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи саволлар, масалалар ва топшириқларни киритиш орқали талабаларда зарурй билимни мустақил излаш ва топишга эхтиёж ҳамда қизиқиш уйғотилиши лозим.

Замонавий ўкув адабиётларини яратишига кўйиладиган дидактик талаблар [8]:

1. Мазмунни, илмийлиги ва тузилмаси ДТС, ўкув режа ва фан дастурларига мос, мавзулар ва боблар орасидаги боғлиқлик, тизимли ёндашув принципига тўла риоя килиши.

2. Ўкув материали мазмунидаги касб бўйича фаолият турларининг (технологик

жихозларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари, улардан фойдаланиш қоидалари, технологик жараёнларнинг бажарилиши) кенг ёритилган бўлиши.

3. Илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгти ютукларидан фойдаланилган холда материал баён этилишининг илмий-методик жиҳатдан тўғри ва жозибали бўлиши.

4. График, кўргазмали (иллюстрация) материаллар сифати, тасвирлар аниклиги ҳамда матн ва график кўринишлар ўртасидаги ўзаро боғланишлари, материалларини ўзлаштириш учун ажратилган машқлар, тест топшириклари ва амалда машғулотларининг етарли бўлиши.

5. Ўқув фанини мустақил ўрганишда, талабаларнинг илмий фикрлаш қобилияти ривожланиши ва назарий билимларини амалиётга кўллашга йўналтирилган бўлиши.

6. Ўқув адабиёти мазмунига миллий гояларнинг сингдирилган ва миллий хусусиятлар эътиборга олинган бўлиши.

7. Назария билан амалиётни ўзаро боғлиқлик хусусиятларининг кўриб чиқилиши ва мавзулар кетма-кетлиги, узвийлиги ҳамда фанлараро боғлиқлигининг таъминланганлиги ва унинг инновационлиги.

8. Дарслик ҳажми таълим дастурида фанга ажратилган умумий ўқув юкламага боғлиқ бўлиши керак. Масалан, фан дастурида муайян фанга умумий юклама 72-108 соат белгиланган бўлса, дарслик ҳажми 10-15 босма табоқдан ошмаслиги мақсаддага мувофиқ.

9. Дарслик кўлёзма варианти камида бир ўқув йили синовдан ўтиши керак. Синовдан ўтиш даврида аниқланган камчиликлар дарслик муаллифи томонидан бартараф этилади. Синовдан ўтган ва камчиликлари бартараф этилган дарслик ўрнатилган тартибда нашр этиш учун топширилади. Биринчи марта нашр этилаётган дарсликка вазирлик томонидан “Дарслик сифатида фойдаланиш учун рухсат берилади” деган гриф берилади. Дарслик кенг тажриба-синовдан ўтгандан кейин дарсликнинг иккинчи нашрига вазирлик томонидан “Дарслик сифатида тавсия этилади” деган гриф берилади.

10. Яратилган ўқув адабиётлари ташқи ва ички тақриздан, ОТМ Кенгашида мухокамадан ўтказилиб, вазирлик хузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгашига тавсия этилади.

11. Тавсия этилган ўқув адабиётлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг тегишли ўқув-методик бирлашмалари ва ўқув-методик комиссияларида кўриб чиқилиб, тегишли хуласалар қилинади [9].

Бошлангич таълим йўналишлари ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишида республикада олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, демократик ўзгиришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш ҳамда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, хукукий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари камраб олинишига эришилганлиги, айниқса, муаллифлар томонидан соҳа бўйича илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуклари, илфор халқаро тажриба ва таракқиёт тенденцияларининг хисобга олинганлигига эътиборни қаратиш талаб этилади [10].

Шунингдек, ўқув адабиётларини яратишида республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни

таъминлаш, фанлар мавзуларининг тақорламаслигига алоҳида эътибор қаратиш ва яратилган электрон маҳсулотлар эса янги билимларни ўкув адабиётларидан мустакил излаб топши кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Адабиётлар:

1. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 816 of October 10, 2018 «On the provision of higher education institutions with textbooks.»

2. The concept of creating a new generation of educational literature for the system of continuing education.

3. Pedagogical technology - its application to the educational process.// Center for the Development of Higher and Secondary Special, Vocational Education under the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: OO'MKHTRM, - 2010. The project of lessons of a subject of methods of teaching of elementary mathematics, I part. Tojiev M., Alimov A., Quchqarov D. Tashkent, "TAFAKKUR", 148 p.

4. Methodological basis and methodology of creating curricula and literature in the category «Design of the educational process» in the bachelor's degree of higher education // Tojiev M., Ziyomuhamedov B., Mamadaliev K. Methodical recommendation. - T.: "Tafakkur-Bostoni", 2013. 80 pages.

5. Mamarajab Tajiev, Kamoliddin Rakhmatulloevich Mamadaliev and Onakhon Mannopovna Jabborova. Features of Distance Learning Technology. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192. DOI: 10.37200/IJPR/V24I5/PR2020574 Received: 10 Apr 2020 | Revised: 20 Apr 2020 | Accepted: 10 May 2020.

6. Мамадалиев К.Р. Инновационные технологии в обучении. // Ж. Молодой ученый. г. Москва. 2012. № 11. – С. 450-452.

7. Mamadaliev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., 4 Abdullayeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Special Issue 1, 2020 ISSN: 1475-7192. P 612 – 619.

8. Мамадалиев К.Р. Дунёни эгаллаган коронавирус инфекциясига қарши курашишда математик усууларининг аҳамияти. // Ж. Science and Education.

9. К.Р.Мамадалиев. Бошлангич таълим йўналиши ўкув фанлари мазмунига қўйиладиган дидактик талаблар. // Педагогика ва психологияда инновациялар. 7 сон, 3 жилд. Б. 9-16.

10. К.Р.Мамадалиев. Бошлангич таълим йўналишлари ва мутахассислари учун ўкув адабиётларини яратиш. // Фан ва таълим. // Халқаро илмий-методик журнал. 1 сон.

РЕЗЮМЕ

Бошлангич таълим йўналиши ўкув фанларидан янги авлод ўкув адабиётларини яратища ОТМлар янги авлод ўкув адабиётларининг таълим амалиётида жорий килинишида бериладиган баҳо асосий мезон хисобланилиб, унда мураккаблик даражаси талабанинг бугунги кун ва келажакдаги онги, кобилияти ва кўникмаларининг ривожланишига олиб келиши зарур.

РЕЗЮМЕ

Основным критерием при создании учебников нового поколения в области начального образования является оценка внедрения учебников нового поколения в образовательную практику высшей школы, в которой уровень сложности должен приводить к развитию сознания, умений и навыков.

SUMMARY

The main criterion for creating new generation textbooks in the field of primary education is the assessment of the introduction of new generation textbooks into the educational practice of higher education, in which the level of complexity should lead to the development of consciousness, abilities and skills.